**№ 1**

**Смета ҳужжатларини тайёрлаш шартномаси.**

**“ 24 ” Октябр 2022-йил** **Беруний туман**

Низом асосида иш юритувчи **«Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби»**, келгуси ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритилади ва унинг раҳбари **Қ.Шукурлаев** бир томондан, хамда Низом асосида иш юритувчи **« FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS**, келгуси ўринларда **«Пудратчи»** деб юритилади ва унинг раҳбари **М.Камилов** иккинчи томондан:
**Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби биноларини жорий таьмирлаш ишлари учун смета ҳужжатларини тайёрлаш** ва давлат экспертиза хулосасини олиш бўйича пудрат шартномасини туздилар.

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1. Буюртмачи топширади, Пудратчи ўзига қуйидаги ишларни **Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби биноларини жорий таьмирлаш ишлари учун смета хужжатларини тайёрлаш** ва давлат экспертиза хулосасини олиш мажбуриятини бажаришга киришади.

1.2. Пудратчи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар курилишига смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» хақидаги

ШНК1.03 01-03 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошқа талаблар ишларни бажариш учун техник топшириқларда бўлади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.4. Ишларнинг алоҳида босқичларининг рўйхати ва бажариладиган муддати календарь режа асосида аниқланади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.5. Пудратчи буюртмачи томонидан ёзма рухсатини кутмасдан қўшимча ички хўжалик шартномасини (Пудратчи томонидан бажарилмайдиган, лекин мазкур шартномани бажаришда керак бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга хақлидир.

Қўшимча шартномаларни тузиш Пудратчининг зиммасига юклатилган мазкур шартноманинг шартларини бажариш жавобгарлигидан озод этмайди.

1.6. Хўжалик шартномасини бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари**

2.1. **Пудратчининг мажбуриятлари**

- Пудратчи буюртмачи томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариши лозим;
- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичлари) натижаларини келишади;
- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишлар хақида буюртмачига ахборот беради.

2.2. Пудратчи мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга хақли эмас.

2.3. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

- Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда белгиланган нархни тўлаши керак.
- Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда ишларни бажаришда таъсир кўрсатиш;
- Пудратчи билан бажарилган ишлар (боскичлар) нинг натижаларини келишиш;
- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;
- Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини кузатиб бориш ва аниқланган тақдирда тегишли далолатнома (дефектный акт) тузиш.

### 3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1. Тендер комиссияси томонидан голиб лойиҳа ташкилотига буюртмачи томонидан Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати 34 400 000 (уттиз турт миллион турт юз минг) сўм Смета хамда экспертиза ишларига 30 фоизлик 10 320 000 (ўн миллион уч юз йигирма минг) сўм миқдорида амалга ошириладиган бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, қолган 70 фоизи 24 080 000 (Йигирма турт миллион саксон минг) сўм смета хужжатлари якунлангандан кейин ўрказилади.

3.2. **Буюртмачи Пудратчи**дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

### 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Пудратчи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига топшириш – қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 2 та нусхада ҳужжатлар тўпламини тақдим этади.

4.2. Буюртмачи топшириш – қабул қилиш далолатномасини ва смета ҳужжатларини

5 иш кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади, давлат экспетриза хулосаси эса 10 иш кун мобайнида етказиб бериш мажбурияти ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш – қабул килиш далолатномасини жўнатади. Топшириш – қабул қилиш далолатномаси буюртмачи томонидан имзоланмаса, бажарилган ишларни, хизматларни қабул қилишда асосли эътироз билдирилмаган ҳолларда пудратчи юқорида кўрсатилган муддатда банкка бир томонлама бажарган ишлари эвазига хақ тўлаш учун талаб қўйишга хақли.

4.3. Бажарилган ишларни топшириш – қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 2 кун мобайнида бир – бирларини ишлар тўхтатилганлиги хақида хабардор қилишлари шарт ва 5 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.5. Ўзаро хисоб – китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш хақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

### 5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Буюртмачи ўз вақтида олдин тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2. Буюртмачи шартномавий молиялаштириш лозим даражада бажармай ўз вақтида тўловни амалга оширмаганлиги учун тўлов кечиктирилган ҳар бир кунга 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган сумманинг 50% ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Пудратчи шартномада кўрсатилган мажбуриятини ўз вақтида, сифатли бажармаса, буюртмачига бажарилмаган иш хажмининг 0,4% миқдорида, аммо 50% ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда пудратчи уларни беғараз бартараф этиши керак.

5.5. Агар содир бўлишига томонларнинг ҳеч бири жавоб бермайдиган (форс – мажор) холлар юзага келса томонлар ўз харакатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига асосланади.

5.6. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.7. Агар пудратчи смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аникланган тақдирда Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди. Пудратчи ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

**6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор)**

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, харбий харакатлар ва бошқа бартараф этилиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу холат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда оркага сурилади.

6.2. Агар бартараф этилиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи лойиха ишларини давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

6.3. Буюртмачи тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги Пудратчи учун «форс – мажор» холатига тенг хисобланади.

**7. Кўшимча шартлар**

7.1. Буюртмачи 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташкари, Пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хақли эмас, Пудратчи эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиш хуқуқига эга.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўгрисида»ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3. Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

**8. Шартноманинг амал килиш муддати ва шартлари**

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чеккандан кейин ва худудий ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча хақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугашига қарамай, томонлар шартларни бузганликлари жавобгарлигидан озод этмайди.

8.3. Мазкур шартнома 2 нусҳада тайёрланади ва бир нусҳадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.4. Шартнома амал қилиш муддати - 31.12.2022 йил.

**9. Низоларни хал этиш тартиби**

9.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолатда пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

9.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Беруний туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 10. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

10.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартириш киритиш, улар ёзма равишда расмийлаштириб, ҳар икки томон имзоланган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёҳуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутиладиган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш билан амалга ошириши мумкин.

10.3. Шарномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга зудлик билан бу хақда ёзма хабарнома юборади.

## 11. Томонларнинг реквизитлари

| Пудратчи: | Буюртмачи: |
|---|---|
| **FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS** | **Беруний туман 2-сон касб хунар мактаби** |
| **Манзил:Урганч шахри Н.Кубра ПР 8.14 уй**<br>**Банк: Ипотека банк Тинчлик филиали**<br>**Ҳ\р: 20208000405151196001**<br>**МФО:00580**<br>**ИНН: 306929143**<br>**Тел: 97-790-08-88** | **Манзил:Беруний тумани Кат кучаси р/уй**<br>**Шхр:401722860352077092901079001**<br>**ИНН:200930222**<br>**Банк: Марказий банк Тошкент шахри**<br>**Мфо:00014**<br>**Молия вазирлиги Ғазначилиги**<br>**Хр:23402000300100001010**<br>**Инн:201122919**<br>**Тел: 55-102-14-52** |
| **Рахбар: __________ М.Камилов**<br>**МЎ** | **Рахбар: __________ Қ.Шукурлаев**<br>**МЎ** |

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби директори:**
_____________ **Қ.Шукурлаев**
“ 24 ” - октябр 2022 йил

**Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби биноларини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш мақсадида энг яхши таклифларини таглаб олиш комиссиясининг энг яхши таклифни берган ташкилотни танлаб олиш бўйича ўтказилган мажлис баённомаси**

| | |
|---|---|
| **Қатнашдилар:** | |
| **Комиссия бошлиғи:** | Қ.Шукурлаев, касб-ҳунар мактаби директори |
| **Комиссия аъзолари:** | А.Шамуратов, ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари |
| | А.Юлдашов, бош ҳисобчи |
| | Қ.Хидирбаева, катта уста |
| | Т.Хаитбаев, хўжалик мудири |

**КУН ТАРТИБИДА:**

Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби-Танлаб олиш комиссияси бошлиғи Қ.Шукурлаев мажлисда ташлаш комиссиясининг 5 аъзосидан 5 инсон қатнашганлигини айтиб ўтди. Танлаш комиссияси мажлисини очиқ деб эълон қилди.

Ташлаш комиссияси котиби Ш.Юсупов ташлаш комиссиясига қуйидаги маълумотларни тақдим қилди:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда – Қонун) 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилиши тўғрисида махсус информацион порталига (https://etender.uzex.uz) эълон танлов қатнашчиларининг қабул қилиш муддати тамомланишидан 5 (беш) иш куни олдин Давлат буюртмачиси томонидан ўз кабинети орқали жойлаштирилган 2022 йил 7-октябр куни 22110012160203-сонли лот бўйича давлат харидлари махсус ахборот порталига жойлаштирилган ва 2022 йил 14-октябрда №160203 баённомаси бўйича ҳеч қандай мурожаат келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ва юқоридаги кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда Танлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби биноларини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ва танлов шартлари бўйича энг яхши шартларни тақдим қилган ҳамда танлаб олиш ғолиби деб топилган “ООО FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS” 34400000 (ўттиз тўрт миллион тўрт юз минг) сўм қилиб белгилансин.
2. Ғолиб ташкилот танлаб олиш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолатда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашчи (резерв) қилиб "URGANCH

KELAJAKLOYIHA" МЧЖ белгилансин ҳамда ғолиб қатнашчи тақдим қилган суммасидан ошмаган суммада шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

3. Низом талабларига мувофик танлов қатнашчиларининг тақдим қилган маълумотларига кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тамом бўлишидан 10 (ўн) кундан ошмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.
4. Ташкилотнинг ҳисоб-китоб бўлимига танлов якуни бўйича ғолиб ташкилот билан шартнома ҳужжатларини тайёрлаш ва шартнома тузилганидан кейин 3 (уч) иш куни ичида махсус ахборот порталига (https://etender.uzex.uz) жойлаштириш топширилсин.
5. Танлов комиссияси котиби ушбу танловга тегишли барча ҳужжатларни белгиланган тартибда сақланишини таъминласин.

**Қатнашдилар:**

**Комиссия бошлиғи:** _______________ **Қ.Шукурлаев**

**Комиссия аъзолари:** _______________ **А.Шамуратов**

_______________ **А.Юлдашов**

_______________ **Қ.Хидирбаева**

_______________ **Т.Хаитбаев**

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 160203 на приобретение Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактабини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 15.10.2022

Время рассмотрения 15.10.2022 16:02

Закупочная комиссия Beruniy tumani 2-son kasb-hunar maktabi, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHUKURLAYEV KUDRATBEK KURBANBAYEVICH | Директор | Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби |
| **Секретарь комиссии** | YUSUPOV SHERIPBAY XUDAYBERGENOVICH | Молия-иқтисод ишлари бўйича директор ўринбосари | Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар макиаби |
| **Член комиссии** | YULDASHEV ANVAR XUDAYNAZAROVICH | Бош ҳисобчи | Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби |
| **Член комиссии** | XIDIRBAYEVA KIZLARGUL MAMUTOVNA | Катта уста | Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби |
| **Член комиссии** | SHAMURATOV ALIMBAY KAMILJANOVICH | Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари | Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби |
| **Член комиссии** | XAITBAYEV TULI SABUROVICH | Хўжалик мудири | Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.10.2022 года № лота 160203.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметной документации на проведение текущего ремонта здания** |
|---|---|
| Подробное описание | Смета ҳужжатидаги белгиланган иш ва вазифаларни тез ҳамда сифатли бажариш. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 35 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 35 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2. Таьмирланиши лозим булган биноларни кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома Буюртмачи томонидан беркитилган маъсул ходим билан биргаликда иш хажими ва хусусиятини тўлик ўрганганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Файл юклаш зарур

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS** | 30 | 34,400,000.00 | 20 | Экспертная | | |
| **"URGANCH KELAJAK LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 30 | 34,800,000.00 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 3. Танлов иштирокчиси тўғрисида маълумотлар. (Танлов иштирокчисининг ташкилий тузилмаси бўйича маълумот, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий ахборот, Лойиҳа ишларини олиб боришга лицензияга эгалиги, , Эгаллаб турган лавозими бўйича олий маълумотга эга ҳамда лавозимидаги иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 1 та раҳбар ходимлар борлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Эгаллаб турган лавозимида иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган, дипломга эга камида 2 нафар лойиҳачи-муҳандислар ва иш бажарувчилар (ГИП, ГАП) борлиги, Эгаллаб турган лавозимида иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган, дипломга эга қидирув ишлари бўйича камида 2 нафар мутахассислар борлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS** | 20 | 34,400,000.00 | 20 | Экспертная | | |
| **"URGANCH KELAJAK LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 20 | 34,800,000.00 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 4. Танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича иш тажрибаси. Кейинги 2 йилда ўхшаш объектлар бўйича бажарган ишлари, бундан олдинги бажарган ишларини ўз муддатда бажарганлиги лойиҳа ташкилот 2-тоифали бўлиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг кейинги 2 (икки) йилда ўхшаш объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларини сифатли бажарганлиги ва объектдан фойдаланувчилар томонидан эътирозлар бўлмаганлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS** | 20 | 34,400,000.00 | 20 | Экспертная | | |
| **"URGANCH KELAJAK LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 20 | 34,800,000.00 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 1. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган машина-механизм, зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган, лойиҳа ташкилотининг ўзига тегишли машина-механизмлари (тасдикланган хужжатлар асосида), зарур асбоб-ускуна ва анжомлар ва шунингдек асосий офиси борлиги (Бунда асосий воситалар лойиҳачи ташкитлотнинг ўзиники( хусусий) бўлган ҳоларда юқори балл беришда устинлик берилади):

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳа қидирув ишларини олиб боришда камида 8 дона зарур бўладиган махсус асбоблар мавжудлиги (нивелер, теодалит, лазерний метр ва бошқалар), лойиҳа ташкилотининг ўзига тегишли машина-механизмлари (тасдикланган хужжатлар асосида), Лойиҳани ишлаб-чиқиш учун зарур бўладиган: Компьютер (жамланма) –8 дона; Принтер, плоттер, сканер ва бошқа оргтехника воситаларини мавжудлиги (рўйхат ва фото суръатлари); Лойиҳа қилиш учун махсус дастурлар – камида 2 та (AutoCad, 3d Max, LIRA, ABC4 ва хокозо)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS** | 20 | 34,400,000.00 | 20 | Экспертная | | |
| **"URGANCH KELAJAK LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 20 | 34,800,000.00 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"URGANCH KELAJAK LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 35 000 000.00 | 34 800 000.00 UZS | 34 800 000.00 | 00.00 | 34 800 000.00 | 13.10.2022 02:05:55 | 9.88506 |
| **ООО FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS** | 35 000 000.00 | 34 400 000.00 UZS | 34 400 000.00 | 00.00 | 34 400 000.00 | 12.10.2022 23:58:39 | 10 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"URGANCH KELAJAK LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 60.0003 | 9.88506 | 69.88536 |
| **ООО FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS** | 80.0001 | 10 | 90.0001 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 160203 от 15.10.2022 года на приобретение Беруний тумани 2-сон касб-ҳунар мактабини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО FARANGIZBONU LOYIHA SERVIS
306929143

и резервный исполнитель: "URGANCH KELAJAK LOYIHA" mas`uliyati cheklangan jamiyati (303149396)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SHUKURLAYEV KUDRATBEK KURBANBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YULDASHEV ANVAR XUDAYNAZAROVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | XIDIRBAYEVA KIZLARGUL MAMUTOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHAMURATOV ALIMBAY KAMILJANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAITBAYEV TULI SABUROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП